
Эъзоз ва эътибордасиз, азиз онажонлар!

Вилоят ҳокими ташаббуси билан ўтказилаётган " Оналарга эҳтиром" фестивали бу йил туманимиздаги меҳнат жамоалари, маҳалла, таълим ташкилотларида ўзгача бўлиб ўтмоқда. 26-умумий ўрта таълим мактабида фестивал доирасида кекса онахонлар, фахрий устозларга эҳтиром кўрсатилди. Юзлари нурли, оппоқ рўмоли онахонлар байрамга ўзгача шукуҳ бахш этишди. Мактаб директори Дилафрўз Аҳмаджонова барча мунис онахонлару меҳмонларни байрам билан табриклаб, эзгу тилаклар билдирди ҳамда мўътабар онахонларга байрам совғалари топширди.

2023-05-15 15:52:05